



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА

Илм-фан бўлими (электрон журнал)

2020 йил октябрь

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2020 йил октябрь ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
А.С.Сагдуллаев	А.Асқаров
С.С.Ғуломов	Д.Ю.Юсупова
Ф.Г.Назиров	А.Х.Саидов
Р.Д.Курбанов	Т.Ў.Арипова
М.Ҳ.Рустамбоев	Қ.Р.Аллаев
Ш.Т.Қудратхўжаев	С.М.Туробжонов
Н.А.Хусанов	И.С.Саифназаров
	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

МУ Н Д А Р И Ж А	
ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)	
2020 йил октябрь сони	
<i>Инновацион зоялар ва ишланмалар</i>	
Қ.РАЖАБОВ. Бухорога 1920 йил августида қизил армия ҳужуми: тарих ҳақиқати ва уйдирмалар.....	5-24
<i>Иқтисод</i>	
Н.С.ҚОСИМОВА, А.Ҳ.АЛИҚУЛОВ. Инвестицион рискларни суғурталашнинг назарий-услубий асослари.....	25-33
Х.С.ИМОДИНОВ. Функция управления рисками в предпринимательстве: особенности и проблемы современного развития.....	34-51
А.О.НАЗАРОВ. Халқаро аэропортларда хавфни бошқариш тизимини яратишда API/PNR тизимларининг ўрни.....	52-59
Қ.А.МУХАМЕДЖАНОВА. Мева-сабзавотлар таъминотини “совук занжир” тизими асосида такомиллаштириш.....	60-70
<i>Юридик</i>	
М.З.ЗИЁДУЛЛАЕВ. Амир Темур ҳукмронлиги даврида хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари.....	71-79
И.Б.ДЖУРАЕВ. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг жорий этилиши ва такомиллашуви...80-94	80-94
А.А.ЗУЛҒУҚОРОВ. Транспорт воситалари тўқнашуви трасологик тадқиқотларининг хусусиятлари.....	95-102
М.НИЯЗОВ. Значение оперативно-розыскной деятельности в профилактике правонарушений.....	103-114
С.О.ЮЛДАШОВ. Ўзбекистон республикасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланиш босқичлари.115-125	115-125
Д.Р.АРТИКОВ. Ўзбекистонда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга оид қонунчиликни такомиллаштириш истикболлари.....	126-138
<i>Филология</i>	
И.И.СУЛАЙМОНОВ. «Юлдузли тунлар» (“Бобур”) романида тарихий воқелик ва бадий талқин ифодаси.....	139-151
М.Д.АБДУЛЛАЕВА. Тарихий насрда тарихий ривоятлар таҳлили.....	152-162
Ф.С.ОЛИМОВ. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да шахс	

фазилатлари.....	163-174
Ш.К.СИДИҚОВА. Ранглар билан боғлиқ мифологик ва замонавий қарашлар талқини.....	175-183
Э.Ғ.АБДУРАЗЗОҚОВ. А.Қодирий ва Чўлпон романларида грамматик воситалардан фойдаланишнинг қиёсий, лингвопоэтик тахлили.....	184-193
Э.И.АЛИМАРДАНОВ. Ўзбек ва туркман тиллари ҳамда Хоразм шеvasи унлилари борасида баъзи мулоҳазалар.....	194-204
М.САЙФУЛЛАЕВ. XX аср бошларида бошларида Туркистон матбуотида «Ал-изоҳ» журнали ўрни.....	205-211
Р.Э.ЗАРИПОВ. Ўзбек диаспорасида билингвизм, мультлингвизмнинг маданиятлараро мулоқотдаги аҳамияти.....	212-224
Э.Ғ.ҚУРБОНОВА. “Девони ҳикмат”да илоҳий ишқ ва нафс тарбияси.....	225-237
Д.У.МЕХЛИЕВА. Лоф жанри ва унинг бадий хусусиятлари.....	238-244
Ж.Ш.ЭШОНҚУЛОВ. XIX-XX асрларда форс-тожик адабий анъаналаридан таъсирланиш ва шеърий жанрларнинг тадрижий ривожланиши.....	245-259
С.Д.МАВЛОНОВ. Ўзбек ва инглиз тилларида дипломатик терминлар ва уларнинг классификацияси.....	260-267
Ҳ.Ў.МАҚСУДОВ. Тасаввуфда фано ва бақо талқини.....	268-276
М.Н.АББОСОВА. Ҳалима Худойбердиева шеъриясида рамз ва тимсоллардан фойдаланиш маҳорати.....	277-281
Ч.М.ЖОНУЗОҚОВА. Бадийлик функцияси даврлар кесимида.....	282-288
Д.А.ДЎСБЕКОВ. “Алпомиш” ва “Манас” дostonларининг қиёсий тадқиқи.....	289-296
Фалсафа	
Д.К.САЙФИЛЛАЕВА. Анализ философского мировоззрения мусульманского теолога Абу Хамида Газали.....	297-305
Ф.Ш.АБДУЛЛАЕВА. Насириддин Тусийнинг фалсафий мероси...306-313	
К.У.САИДОВА. Семья как критерий формирования нравственных качеств личности.....	314-321

ТАСАВВУФДА ФАНО ВА БАҚО ТАЛҚИНИ

Хусан Ўктамович МАҚСУДОВ

Бош муҳаррир

“Азон китоблари” нашриёти

Тошкент, Ўзбекистон

hmzokiriy@mail.ru

Аннотация

Мақолада тасаввуф таълимотининг муҳим тушунчалари саналган фано ва бақо ҳақида сўз юритилган. Мазкур тушунчаларнинг диний-ирфоний ва тасаввуфий-фалсафий маънолари нодир манбаларга таянган ҳолда ўрганилган.

Таянч сўзлар: тасаввуф, фано, бақо, илоҳиёт, Қуръон.

ТОЛКОВАНИЕ ФАНО И БАҚО В СУФИЗМИ

Хусан Уктамович МАҚСУДОВ

Главный редактор

Издательский дом «Азон китоблари»

Ташкент, Узбекистан

hmzokiriy@mail.ru

Аннотация

В статье рассматриваются фано и бака – важные концепции мистического учения. Религиозно-мистическое и мистико-философское значения этих понятий изучены на основе редких источников.

Ключевые слова: мистицизм, фано, вечное, богословие, Коран.

“Фано” ва “бақо” атамалари фалсафий-ахлоқий тушунча сифатида Шарқ диний-ирфоний, тасаввуфий-фалсафий, бадий адабиётида жуда кенг қўлланилган. Иккала сўз ҳам арабча бўлиб, фано "мавжуд бўлмаслик", "йўқлик" маъноларида келса, бақо фанонинг зидди сифатида "давомийлик", "абдийлик" каби маъноларни англатади [4; 81-, 611].

Форс-тожикча, ўзбек ва туркий тилли луғатларда бу икки атама атрофлича изоҳланган: "фано" мавжудликнинг (асосан яратикларнинг) моддиян йўқликка юз тутиши, шу билан бирга тасаввуфий истилоҳдаги маъноси ҳам айтиб ўтилган; «бақо» сўзи эса фаноликнинг антоними сифатида изоҳланиб, ниҳояси йўқ, абдий маъноларида шарҳланган.

Масалан, "Ғиёс ул-луғат"да "фано – йўқ бўлмоқ; бақо – абадийлик, сўнгги йўқлик» маъносида изоҳланган [8; 119]. "Забони фарҳанги тоҷикӣ"да изоҳда ҳам шу мазмундаги шарҳ бор: фано – йўқ бўлмоқ, завол топмоқ; бақо эса абадийлик, бардавомлик маъноларида изоҳланган [11; 409].

4 жилдлик "Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"да эса бошқа луғатларга қараганда батафсил, мазкур сўзларнинг бирикмалар билан келиш ҳолатларигача изоҳланган: "Бақо" – 1) абадийлик, мангулик, доимийлик, абадият, чексиз ҳаёт; 2) мавжудлик, борлик; 3) ишонч. Шунингдек, "фано"га ҳам уч хил изоҳ берилган: 1) бақосизлик, йўқ бўлиш, ўлиш; 2) ўзликдан кечиш, ўзни унутиш, тасаввуф йўлига кириш; 3) ўлим, ажал [7; 234-, 318].

Тасаввуфнинг ривожланиши билан у билан боғлиқ кўплаб тушунчалар пайдо бўла бошлайди. Бора-бора тасаввуфда турли оқим – тариқатлар пайдо бўлади, ҳар бир тариқатнинг ўзига хос хусусиятлари, таълимот ва интизом йўриқлари шакллана бошлайди. Шундай шаклланишлар жараёнида фано вабақо тушунчалари чуқур тасаввуфий-ирфоний маъно-мазмун касб эта бошлайди.

Фано ва бақо – тасаввуфда инсон маънавий-руҳий камолотининг асосини ташкил қилувчи тушунчалардан энг асосийлари деб қаралади. "Фано" – йўқлик, мавжуд бўлмаслик маъносида бўлиб, тўлиқ шакли "ал-фанаау филлаҳ", яъни "Аллоҳга фоний бўлиш"дир. Кенгроқ тушунилганда, фано – инсон ўзлиги ва бандалик мақомини Ҳақ таоло баробарида йўқ деб билмоқ, риё, ужб (ўзига зеб бериш), дунёга муҳаббат қўйиш каби барча майл-истаклардан воз кечиб, бутун олам ва ундаги хилқат – яратиклар Холиқнинг (унинг улуғлиги, боқийлиги) олдида ҳеч нарса эмаслигини теран англамоқ, башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар билан ботин оламини беэмом, зийнатлашни англайди. Фаноликда дилда Аллоҳдан бошқанинг ўйи, муҳаббати қолмаслиги, амалда эса ёмон хулқ, гуноҳ, айб ва ғафлатнинг бартараф бўлиши лозим.

Диний таълимотга кўра, аввали ва охири мавжуд ҳар қандай нарса фаноликка маҳкум, яъни фонийдир. Қуръони каримнинг бир неча ўрнида

фано ва фонийлик ҳақида айтиб ўтилади: "Сизнинг ҳузурингиздаги нарса тугайдир. Аллоҳнинг ҳузурдаги нарса эса, боқийдир..."(Наҳл, 96), "(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир" (Раҳмон, 26) [9; 300-, 235]. Ушбу оятлар фано ва бақо назариясининг тамалини ташкил этган бўлиб, мазкур оятлар билан Яратган зот бу дунёнинг бебақолиги, ундаги жамики нарсалар инсонларнинг ўзлари каби алалоқибат фаноликка юз тутишини таъкидлаб, бандаларининг фоний дунёга алданиб қолмаслигига даъват этади. Шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам бир ҳадиси шарифларида "Ла ʻайша илла ʻайшалахирах", яъни "Ҳеч қандай (яхши) ҳаёт йўқ, магар охиратдаги асл (абдий) ҳаёт бор", деб бу дунёнинг ўткинчилиги ва охиратнинг абдиёт олами эканини таъкидлаганлар.

Умуман, юқоридаги каби оят ҳамда ҳадисларда фано-бақо тушунчалари ўткинчиликдан абдиётни фарқлаш, деган тор маънода эмас, билъақс, яхшидан ёмонни, ожизликдан қудратни, маънавий тубанликдан маърифий юксакликни, бир сўз билан айтганда, барча ноқисликдан маънавий-руҳий Комилликни англаб етиш лозимлиги ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, юқоридагиларга таяниб, фанони икки турга ажратиш мумкин: 1.Оламнинг яртилиши ва тугаши билан боғлиқ бўлган, жисмоний-метафизик йўқлик. 2. Ахлоқ моҳияти эътибори билан қаралганда мажозан ёмон одат ва нафсоний сифатлардан қутулиб, гўзал хулқ ҳамда илоҳий маърифатни ўзлигида жамлаш.

Фано йўлининг бош талаби ва туб моҳияти шуки, инсоннинг ихтиёр ваиродаси – унинг сифатлари бақоликка (Ҳақ муҳаббатига) етишишга тўсиқ бўлувчи ҳижоб – тўсиқдир. Шу маънода, толиб (бақолик маҳзанига талабгор) бу тўсиқни бузиши – нафсоний иродасидан қутилиши лозим. Фанонинг зидди бўлмиш бақолик (абдийлик, завол топмаслик) эса Ислому таълимотига кўра, Аллоҳ ва унинг сифатларига тегишлидир. Юқорида тилга олганимиз сура "Раҳмон"нинг 27-оятида Ҳақ таоло шундай марҳамат қилади: "Улуғлик ва Икром эгаси Роббингнинг Ўзигина боқийдир". Бошқа ояти карималарда ҳам шундай дейилади: "Сизга берилган нарсалар дунё ҳаётининг матоҳи,

холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги яхши ва боқий нарсалар эса, иймон келтирган ва Роббиларига таваккал қилганлар учундир" (Шууро, 36); "Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир" (Аълаа, 17) [9; 286-, 321].

Бундан ташқари, боқийлик сифатлари одамлар томонидан бажариладиган амалларга ҳам тегишлидир: "Мол-мулк, бола-чақа ҳаёти дунё зийнатидир. Боқий қолгувчи солиҳ амаллар Роббинг ҳузурида савоб ва умид жиҳатидан яхшироқдир" (Каҳф, 46); "...Боқий қолувчи солиҳ амаллар Роббинг наздида савоби яхшироқ ва оқибати хайрлидир" (Марям, 76) [9; 347-, 135]. Демак, Аллоҳ наздида инсонни абадий роҳат-фароғатга – жаннатга дохил қилувчи амаллар ҳам боқий саналаркан.

Мазкур оятлардан англашиладики, инсон дунё ва унинг матоҳларига алданмай, нафс иллатларидан қутулароқ, абадиятга лойиқ солиҳ амаллар билан машғул бўлиши керак экан. Айнан шулар инсонни боқийлик сари яқинлаштиради. Фақат бу боқийлик охиратдадир, инчунун, дунё ичидагилар билан фонийдир. Фонийлик ичра бақолик талабгорлиги эса ҳар қандай тарадди-тадбир билан бўлсин – имконсиздир.

"Алишер Навоий: қомусий луғат" сўзлигида таъкидла-нишича, фано ва бақо атамаларини илк бор Абу Саид Харроз қўллаган [2; 61]. Ҳол, тавҳид, мақом, жам, тафриқа, важд каби юзлаб тасаввуфий тушунчалар атрофлича тушунтириб берилган "Ал-Лумаъ" асарида Абу Саид Харрознинг фано ва бақо ҳақидаги кўйидаги таърифи келтирилади: "Фано – бандалик ихтиёр-иродасидан буткул узилмоқ, бақо – илоҳий мушоҳадада боқий қолмоқдир" [1; 218]. Юқоридаги оятлар ва уларнинг маъно-тафсирларига таяниб, бақони икки хил англамда тушуниш мумкин: 1. Аввалдан мавжуд бўлмай, кейинроқ пайдо бўлган, лекин ҳеч қачон фоний бўлмайдиган (завол топмайдиган) борлиқлар. Масалан, охират, жаннат, дўзах каби. 2. Ибтидоси бўлмаган ва интиҳо ҳам топмайдиган Зот – Аллоҳ ва унинг сифатлари боқийликнинг мутлоқ ўзидир. Шунинг учун ҳам Навоий

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, на аввал бирга охирким,

Унда йўқ ибтидо пайдо, бунда йўқ интиҳо пайдо,

деб айнан Аллоҳ ҳамда унинг зоту сифатининг завол топмаслигига урғу берган эди.

Абу Наср Саррож Тусий "Ал-Лумаъ фит-тасаввуф" асарида бошқа юзлаб тасаввуфий истилоҳлар қаторида фано ва бақога ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг таъкидича, фано ва бақо моҳиятан ўзаро боғлиқ тушунчалардир: "Фано ва бақо – авом аражасидан хаввос (хос кишилар, аҳли маърифат соҳиблари) мартабасига юксалишни кўзлаган аҳли тавҳиднинг сифатига дахлдор икки номдир. Аввалбошда фано ва бақо истилоҳлари шундай тушунилган: илмнинг ўртага чиқиши – бақо, жаҳолатнинг барҳам топиши – фано, тоатнинг ўртага чиқиши – бақо, маъсиятнинг йўқолиши – фано, зикрнинг ўртага чиқиши – бақо, ғафлатнинг орадан йўқолиши – фано, кулнинг (солиқ, толиб – Ҳ.М.) эгаллаган илму маърифати асосида инояти илоҳийга мушарраф бўлиш туйғусининг воқеланиши – бақо, ўзининг ҳаракатларини (инсоний- нафсоний ирода-ихтиёри – Ҳ.М.) кўришдан фоний бўлиш – фанодир" [1; 217].

Юқоридаги шарҳдаги энг муҳим фикр шуки, фано йўлига кирган киши авомлик хусусиятларини йўқотиб бир поғона юқорига – хослик мартабасига етишади. Лекин фано йўлига ҳам бирдан кириб бўлмайди, унғача киши ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман йўқлик базмига (фаноликка) тайёрлаши лозим: аввало, жаҳолат (кенг маънода илмсизлик, нафсга мойиллик)га барҳам бериш лозим, ундан Абу Наср Саррожга кўра, фаноликнинг илк аломати шундайки, киши Аллоҳни зикр этаркан, ундан дунё ва охират лаззати ҳисси кетади. Яъни унинг борлиғида фақат Ҳақнинг муҳаббати мавж уради, на-да дунё, на-да охират уни чалғита олади.

Ҳужривийнинг "Кашф ул-махжуб"да шундай ёзади: "Фано кулнинг вужудидан (бутун борлиғидан) мосуво бўлиши, шу билан Ҳақнинг жалолини тамоша қилиши ва азаматини кашф этишидир" [10; 295]. Яъни, фано йўлига кирган киши ўз бандалик инон-ихтиёрини йўқотиб, Ҳақнинг улуғлиги ва кудрати ҳис қилишидир. Ҳужривий "Сизнинг хузурингиздаги нарса

тугайдир. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса, боқийдир..." (Наҳл, 96) оятидаги мазмунни айнан тасаввуфга боғлаб тушунтирган, назаримизда.

Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё"сида Робия Адавия билан боғлиқ бир ривоят нақл қилинади. Кунлардан бир кун шайх Ҳасан Басрий Робия Адавияга: "Агар истасанг, сени бир кимсага никоҳлаб берамиз", дейди. Шунда Робия Адавия: "Никоҳ вужуд узра дуруст бўлади, менда вужуддан бирор асар йўқ", дейди. Бу гапни эшитиб Ҳасан Басрий ундан йўқликни қандай топганлигини сўраганда Робия Адавия эса: "Ўзимни ўзим йўқ қилишдан топдим", дейди [3; 87].

"Ўзни йўқ қилиш" фанолик билан эришиладиган ҳол. Демак, буйўлга кирган одам онгли равишда ўзидаги нафсоний майллардан қутила олиши керак, бу йўл осон эмас, албатта, шу боисдан ҳам, фонийликни даъво қилган одам қатъий интизом, ўз майлига тақиқ қўя олиш феъли ила бунга эриша олади.

Ҳужривий фано ва бақо тушунчасини олов ва темир мисолида тушунтиришга ҳаракат қилади: темир олов ичига отилар экан, олов темирнинг сифати бўлган қоралик ва совуқликни йўқ этиб, унга ўз сифати бўлмиш қизиллик ва иссиқликни сингдиради. Темир ташланган ўчоққа боқилса, темир ва оловни фарқлаб бўлмайди: улар бир вужуд (қизиллик ва иссиқлик) га айланади. Худди шунга ўхшаб, Аллоҳнинг муҳаббати ва ишқи толиб (бақога талабгор)нинг васфларини йўқотиб, ўз васфини бахш этади. Шу маънода, темир оташий бўлгани каби, инсон илоҳий ва лоҳутий васфга эришади.

"Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд»да зикр этилишича, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд шундай деган: "Фано икки хил бўлади: бири зулумоний ва табиий вужуддан фоний бўлиш, бошқаси эса нуроний ва руҳоний вужуддан фоний бўлиш" (6; 200-бет). Биринчи фанода Ҳақ таолонинг зуҳури сабаб Ундан бошқа неки бўлса, банда кўзига кўринмайди, бу худди қуёш нур сочиб турган пайтда юлдузларнинг кўринмагани каби ҳолдир. Иккинчи фано эса, фанонинг фаносидир. Бунда фаноликни ҳам ҳис

этмаслик бўлиб, унинг ўрнига вараъ (парҳезкорлик, мукамал тақво) собит бўлади. Энди қул бу мақомда ақл билан мушоҳада қилмайди, тил билан зикр қилмайди, бутун машғуллик руҳ ва қалбга ўтади, руҳ давомли зикрда бўлади, қалбда эса Ҳақнинг нури жилва қилади.

Милодий 990 йил Бухорода вафот этган Ёқуб Бухорий ал-Калободий ўзининг "Таъарруф ли мазҳаби аҳлит тасаввуф" асарида бошқа тасаввуфий тушунчалар қатори фано ва бақони ҳам ислом ақидалари, диний тасаввуфий таълимот юзасидан тушунтиришга уринади. Калободийга кўра, фанолик банданинг ўз инон-ихтиёрига кўра эмас, Аллоҳ иродасига кўра ҳаракат қилишидир, бақолик эса Ҳақ таолонинг сифат ва васфлари билан безанмоғидир (5; 286-бет).

Баъзи тадқиқотчилар фанони бир неча босқичга ажратиб тавсифлашган. Биринчиси, хулқдаги фано. Бу – ахлоқни нафсоний ва ҳайвоний завқ, лаззат ҳамда орзу-истаклардан халос қилиш. Иккинчиси, қалб ва руҳдаги фано. Бу – қалб ҳаётини бузадиган, руҳ ҳаловатини емирадиган ҳис, туйғу ва кайфиятларга барҳам бериш. Учинчиси, сирдаги фано. Бу – ишқ камолига халақит берадиган ҳамма даъво ва иддаолардан фориг бўлишдир. Мана шуларнинг ҳар бирида фоний (солик) маълум бир мартабага эришиб, ўзида янги сифатларни кашф қилади.

Фанонинг энг юқори даражаси бу фано филлоҳ бўлиб, бу фонийнинг ушбу йўлдаги ўзлаштирган энг улуғ маънавий мақоми. Фано филлоҳ "...Аллоҳ таоло амридан ташқари барча орзу-хоҳишларни батамом ташлашдир. Зеро банданинг тўлиқ бахти учун Аллоҳ таоло унга амр қилган нарсаларнинг ўзи кифоя қилади. Шунинг учун учун бу ҳолатга етишган бандадан Аллоҳ азза ва жалланинг амрларини ва наҳийларини севиб қабул қилмоғи ва Роббул оламин истагандек, солиҳ бир банда бўлмоғи талаб қилинади. Бу талабни тўғри англаган солик жазб ҳолатидан шукр мақомига ўтади" [12. 250].

Мухаррирлар:
Г.А.Мардонова
Д.Я.Саидмахмудова

Таржимонлар:
З.Т.Бобоева
Ж.Азизов

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2020 йил, октябрь сони

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй